

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАНҚИДИЙ МАТНИ ВА ЗАМОНАВИЙ НАШР МУАММОЛАРИ

Эшонбобоев Абдурасул,
*Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейининг илмий ходими*

Ўзбек адабиётининг тарихи узоқ ўтмишларга бориб уланади. Ўтган йигирманчи аср бирмунча мураккаб кечганига қарамай адабий меросимизни ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди: кўплаб адабий манбалар илмий истефодага киритилди, матнлар жорий алифбода табдил ва нашр қилинди, адабиёт тарихи бўйича академик тадқиқотлар ҳамда дарсликлар ёзилди, мумтоз адабиёт намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди юзасидан диссертациялар ҳимоя қилинди, асарлари эса хорижий тилларга таржима этилди, қисқаси, муайян тажриба тўпланди. Бу ўз навбатида, келгусидаги ишлар учун мустаҳкам илмий пойдевор бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, вақт ўтгани сайин тараққиёт бардавом экан салафларнинг меросига танқидий қараш ҳамда замон талабларига мувофиқ равишда иш кўриш зарурати ҳам пайдо бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда, биз *Алишер Навоий асарлари танқидий матни билан боғлиқ баъзи бир назарий муаммолар ҳамда уни замонавий ўқувчиларга қандай шаклда тақдим қилиш* юзасидан айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий асарлари асрлар оша кўплаб нусхаларда кўчирилиб, катта ҳудуд бўйлаб тарқалди ҳамда доимий равишда адабий жараёндан мустаҳкам ўрин олди. Умумтуркий адабиётнинг узоқ асрлик тарихи давомида ҳеч бир ижодкор бу борада Алишер Навоий сингари шуҳрат тутмаган, эътироф этилмаган. Ўтган йигирманчи юз йилликнинг суронли кечган жараёнларига қарамай навоийшунослик фани салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Шоир асарларининг дастлаб уч, кейин ўн беш ва ниҳоят 20 жилдлик **“Мукамал асарлар тўплами”** нашр юзини кўрди, шунингдек, айрим асарлари вақти-вақти билан қайта чоп этилди, қатор хорижий тилларга ўгирилди. Ижодий мероси эса мактаб ва олий ўқув юрти дарсликларидан мунтазам равишда жой олди.

Улуғ шоир адабий мероси бугунга қадар тўлиқ ҳажмда сақланиб қолган ва биз адиб ҳаётлик даврида кўчирилган кўплаб қадимий, ноёб нусхаларга эгамиз. Бироқ, афсуски, шоир асарларининг **муаллиф нусхаси** (автографи) мавжуд эмас. Айни ҳолат кун тартибига илмий-танқидий матн тузишни зарурий, шарт қилиб қўяди. Чунки асарни кўчирган котибнинг саводхонлик маданияти, матнни тушуниши, бирор-бир ижтимоий гуруҳга мансублиги, кўчирилаётган асар билан ораликдаги масофа – булар барчаси қўлёзма матнида муайян

даражада акс этади. Бундан ташқари, ўтмишда бугунги кунга нисбатан муаллиф (автор) ҳуқуқи тушунчасининг тамоман ўзгача идрок этилганлиги қўлёмаларни кўчириш жараёнида матнга нисбатан **“эркин”** ёндашувга сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида матни деформацияга (турли хил ўзгаришларга) учрашига таъсир ўтказган ва бугун уни мунтазам кўчирилиш жараёнида содир бўлган хатолардан (кенг маънода) холи қилиш кун тартибидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Тузилган илмий-танқидий матн эса нисбатан саҳиҳ, муаллиф матнига имкон қадар яқин ҳамда барча йўналишдаги тадқиқотлар учун мустаҳкам пойдевордир.

Янги давр ўзбек матншунослигининг ривожини Алишер Навоий асарлари илмий-танқидий матнларини тузиш ва нашр этиш билан бевосита боғлиқдир. Ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошланган ва 70-йилларга қадар нисбатан изчил кечган жараён кейинги пайтларга келиб негадир сустралди. Ўйлашимизча, катта авлодга мансуб, мумтоз адабиётимизнинг билимдонлари мадраса кўрган навоийшуносларнинг дунёдан ўтиши ҳамда шоир асарларининг *оммавий шаклда бўлса ҳам деярли тўлиқ нашр этилиши*, шунингдек, кейинги йилларга келиб соҳага нисбатан эътиборнинг сусайиши натижасида матншуносликда *бўшлиқ* пайдо бўлди.

Мулоҳазаларимиз танқидий матн хусусида борар экан ўз вақтида таниқли навоийшунос Ҳамид Сулаймонов **“Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида”** мақоласида ниҳоятда муҳим мулоҳазани илгари сурган эди:”**Навоий асарларининг оммавий нашри қандай ҳажмда бўлишидан қатъи назар ҳамма вақт энг қадимий ва мўътабар қўлёмалар асосида тузилган танқидий текстларга мос бўлиши лозим”¹.**

Демак, шоир асарларининг нашри қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар илмий-танқидий матнга асосланмоғи шарт. **Бироқ амалиётда бундай бўлмаган.** Бунинг бир неча сабаблари бор: ўзбек алифбосининг сурункали ўзгаришларга учраши (1921, 1929, 1940 йиллар), имло қоидаларининг мунтазам равишда ислоҳ қилиниши мумтоз адабиёт намуналарини, жумладан, шоир асарларини ҳар гал янги алифбода нашр этишни кун тартибига долзарб масала сифатида қўйди. Қўшимча тарзда шуни айтиш жоизки, буюк шоир ижодий мероси билан биринчи навбатда мактаб ўқувчилари ва талабаларни, кейин эса кенг китобхонлар оммасини имкон қадар тезроқ таништириш, танқидий матн тузишдек машаққатли ишни бир қадар ортга сурди.. Фикримизни Ҳ.Сулаймоннинг куйидаги сўзлари яна бир бор тасдиқлайди: “Алишер Навоий

¹ Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Асарлар ўн беш томлик. 1-том. 1963. Тошкент. Ҳ. Сулаймоннинг **“Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида”** номли кириш мақоласи. 27-бет. Мақоладаги барча таъкидлар бизники-А.Э.

асарларининг ўн беш томда биринчи мартаба нашр этилиши адабиётимиз тарихида зўр воқеа бўлиши билан бирга, айтиш мумкин, шоир асарлари мажмуасини чоп этишда ҳам биринчи тажрибадир. Навоий асарларининг бу ўн беш томлиги *тип эътибори билан оммавий нашр бўлиб, кенг китобхонлар оммасига* – интеллигенция, олий ўқув юр்தларининг филология факультети студентлари, тил ва адабиёт муаллимлари, адабиёт аҳллари, умуман олганда кенг жамоатчиликка мўлжалланган. Шу сабабдан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши мазкур нашрда Навоий асарларидан *гоя ва бадиий жиҳатдан давримиз талабларига жавоб берадиган қисмларини биринчи навбатда нашр этишни мақсадга мувофиқ деб топди*².

Биз бу ерда парадоксал вазиятга дуч келамиз, биринчидан, юқорида қатъи қилиб *“Навоий асарларининг оммавий нашри қандай ҳажмда бўлишидан қатъи назар ҳамма вақт энг қадимий ва мўътабар қўлёзмалар асосида тузилган танқидий текстларга мос бўлиши лозим”* деб айтилганига қарамай мазкур нашрда *“қадимий ва мўътабар қўлёзмалар”* ҳақида ҳеч бир маълумот берилмаган, яъни нашр этилаётган асарнинг манбашунослик йўналишидаги илмий тавсифи мавжуд эмас, иккинчидан, ўн беш томлик чоп этилган кезлари шоир асарлари аксариятининг илмий-танқидий матнлари тузилмаган ва айрим тузилганлари ҳам номаълум сабабларга кўра нашр қилинмаган эди.³ Бундан ташқари, нашр **оммавий** бўлгани билан беш юз йил аввал ёзилган асарни бугунги кун ўқувчиси томонидан тушунилиши мураккаб бўлганлиги сабабли шарҳ, изоҳлар таъминланиши зарур эди, бироқ, афсуски, бу иш (лирик асарларида инчунин) бажарилмаган. Қисқаси, нашр учун асос вазифасини ўтаган манбалар ҳақида маълумотлар умуман берилмаган. Боз устига, *“гоя ва бадиий жиҳатдан давримиз талабларига жавоб берадиган қисмларини биринчи навбатда нашр этишни”* кўзлаб анъанавий қисмлар (шоирнинг диний, ирфоний-фалсафий қарашлари акс этган) мажбурий қисқартирилган. Бироқ бу каби қатор ўзгаришларга қарамай юқоридаги нашрни **биз маданиятимиз тарихида катта бир воқеа**, буюк шоир асарларини бир жойга жамлаган нашр сифатида эътироф этамиз ва мазкур иш ўз олдига қўйган вазифани маълум маънода бажарган деб ҳисоблаймиз. Адолат юзасидан айтиш лозимки, Ҳ.Сулаймоновнинг юқоридаги мақоласида шоир асарлари зикр қилинган каталоглар, хориж фондларда сақланаётган куллиётлари ҳамда **“Девони Фоний”**нинг дунё қўлёзма фондларида (Эслатиб ўтамиз, юртимизда ва Собик

² Ўша ерда 52-бет.

³ Бу ҳақда юқорида Ҳ.Сулаймоновнинг мақоласида тўлиқ маълумот берилган.

Иттифоқ фондларида бу асарнинг қўлёзмалари мавжуд эмас) мавжуд бўлган нусхалари ҳақида манбашунослик йўналишида батафсил маълумот берилган.

Шоир асарларининг танқидий матнлари нашр этилиши билан бу ҳақда матбуотда танқидий мақолалар ҳам чоп қилина бошланди ҳамда уларда нашрнинг ютуқ ва камчиликлари холис таҳлил этилди, йўл қўйилган айрим имло, матний хатолар кўрсатилди. Шунингдек, вақт ўтиб Алишер Навоий асарларининг юртимиз ва хорижда янги нусхалари аниқланди, айримларининг фотонусхалари олиб келинди, қисқаси, буюк шоир асарларининг янги нашрига эҳтиёж туғилди. Шуларни ҳисобга олган собиқ Тил ва адабиёт институти ҳамда Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти (1998 йили тугатилди) илмий жамоаси ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб “шоир туғилган куннинг 550 йиллиги олдидан унинг йигирма томдан иборат **“Мукамал асарлар тўплами”** ни тайёрлашга киришди”. Бу борада матншуносликда маълум бир тажриба тўпланган, шоир асарларининг аввал номаълум бўлган кўплаб янги қўлёзмалари аниқланган ва демакки, янги нашрга эҳтиёж пайдо бўлган эди.

Сўзбошида қайд этилишича “мазкур тўплам Алишер Навоий меросини тўлиқ камраб олади ва *илмий тундаги изоҳлар билан таъминланади*”. Дарҳақиқат, ушбу нашр шоир адабий меросини тўлиқ камраб олди, адибнинг ўзи тартиб берган дастлабки **икки девони ҳам алоҳида жилд сифатида тўпладан жой олди, форсий мероси тўлиқ берилди**, аввалги нашрдан фарқли равишда изоҳларга кенгроқ ўрин ажратилган. Бироқ ушбу нашрда ҳам олдингисига ўхшаш у ёки бу асарни нашрга тайёрлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Масалан, янги нашрнинг биринчи жилдида шундай ёзилади: “Навоий йигирма томлик **“Мукамал асарлар тўплами”** нинг биринчи томини шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девони ташкил этади. Бу нашрга Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ.С.Сулаймонов номи Қўлёзмалар институтидаги “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг қўлёзма нусхаси (инв.№216) асос қилиб олинди. Бу қўлёзма 1486 йили, Навоий барҳаёт пайтида кўчирилган. Унинг текстини “Бадойиъ ул-бидоя”нинг қадимий нусхалари, жумладан, Париж миллий кутубхонасида инв.№ 746 билан сақланувчи 1480 йилда кўчирилган қўлёзма ҳамда Британия музейидаги № 401 инвентарига эга бўлган 1482 йилда кўчирилган қўлёзмалар фотонусхалари билан солиштириб чиқилди”⁴. Албатта, ишга шоир девонларининг қадимий нусхаларини жалб қилиш ҳар томонлама тўғри. Боз устига, муаллиф тириклик чоғида кўчирилган девонлар, бироқ айни қўлёзмаларнинг манбашунослик нуқтаи назаридан илмий тавсифи йўқ, яъни ёдгорликнинг муштарак ёхуд фарқли ўринлари, тўлиқ ёки ноқислиги, матннинг

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя Т.. 1987. 7-бет

сақланиш ҳолати, асос вазифасини бажарган қўлёзманинг устун томонлари каби қатор саволлар очик қолган. Бундан ташқари, янги нашр **қандай принцип асосида тайёрланди, унинг аввалги нашрдан фарқли жиҳатлари нимада ҳамда олдинги нашрда йўл қўйилган матний, имло хатолар бартараф қилиндими бу хил саволларга, афсуски, жавоб йўқ.** Адолат юзасидан шуни айтиш лозимки, ушбу нашрда (лирик девонлар) тарихий, адабий, географик, этник номлар кўрсаткичи илова қилинган.

Биз янги нашрни амалга оширган манбашунос, матншунос олимларимизнинг оғир меҳнатларини, яъни ҳар бир ғазал ёхуд бошқа жанрларда битилган шеърларни қўлёзмалараро ва аввалги нашр билан синчиқлаб солиштириб чиқилганини (бу ҳақда сўзбошида маълумот берилган - А.Э.) эътироф қиламиз, лекин айтиш шу оғир “қора иш” матнда тўлиқ акс этмаганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Яна бир жиҳати, аввалги нашрдан академик В.Зоҳидовнинг шоир ижодий меросининг оламшумул аҳамиятига доир ва Ҳ.Сулаймоновнинг нашрга тайёрлаш принципларига оид юқоридаги проблематик мақоласи жой олган бўлса, кейинги нашр -- “Мукамал асарлар тўплами” да эса бундай очкич-кириш мақола умуман йўқ. Қизиғи шундаки, эпик дostonлар нашрида “П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар” деб эътироф этилган, шунингдек, “Ҳайрат ул-аброр”ни янги нашрни тайёрловчилар “улар ўз устозлари – Порсо Шамсиев текстларига **маълум даражада тузатишлар ҳамда аниқликлар киритишга муваффақ бўлдилар**” деб аниқ қилиб айтилганига қарамай бу матнда ҳам “тузатиш ва аниқликлар” акс этмаган.⁵ Биз бу ерда юқоридаги каби матнни қайта чопга ҳозирлаган ноширларнинг меҳнати натижаларини кўрмаймиз. Агар матний тузатишлар ҳаддан зиёд бўлса, у ҳолатда уларни умумлаштириб, энг характерли мисоллар билан бир кириш мақола доирасида бериш мумкин эди. Эслатиб ўтамиз, “Хамса”нинг фақат уч дostonи – “Сабъаи сайёр”, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Ҳайрат ул-аброр”нинг танқидий матни тузилиб чоп қилинган. Бу борада фикр юритишдан мақсад аввалги матншунослар қўллаган иш услубини қуруқ танқид қилиш эмас, аксинча, танқидий идрок этиб тушуниш ва назарий хулосалар чиқаришдир.

Мулоҳазаларимиз илмий-танқидий матн тузиш билан боғлиқ муаммолар хусусида борар экан *матншунослигимиз асосан амалий фаолият чекланиб қолганини қайд этмоқ жоиз.* Танқидий матн деганда бизда муайян асарнинг тўрт-беш қадимий нусхасини олиб, ўзаро солиштириб, фарқли ўринларни аниқлаб, уларни тағхатда (сноскада) қайд этган ҳолда тайёрланган матнни араб алифбосида нашр қилиш тушунилади. Тўғри, автограф (дастхат) етиб келмаган

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-том. Ҳайрат ул-аброр. Т., 1991. 6-7 бет.

чоғда у ёки бу ижодкор асарини тадқиқ этиш, энг аввало, танқидий матнга асосланади. Бироқ матн сатҳидаги ўзгаришлар *инсон онгли фаолияти билан алоқадор* экан, улар шунчаки аниқланмасдан, муайян давр билан боғлиқ ҳолда тушунтирилиши лозим. Шу ўринда бутун умрини Алишер Навоий матнлари устида ўтказган таниқли матншунос П.Шамсиевнинг кўйидаги сўзлари эътиборга молик: “Мана шу кўчиришларда баъзан кўчирувчиларнинг бепарволиги ёки чаласаводлиги натижасида текстда хилма-хил нуқсонлар юз бериб келган бўлса, кўпинча била туриб, *атайин киритилган ўзгаришларга* ҳам дуч келамиз. Бу ҳодисалар *илмга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган* ва Навоий *меросини қўпол бузишдан бошқа нарса эмас*”⁶. Албатта, котиб икки-уч аср муқаддам ёзилган асарни қайта кўчираётган экан, табиийки, айрим имловий хатоларга йўл қўяди, ўзи учун тушунарсиз сўзларни (архаик) баъзан ўзгартириши (агар назмий асар бўлса вазнини назарда тутиб) ҳам мумкин. Бироқ муаллиф асарига “*атайин киритилган ўзгаришлар*” (матншуносликда **интерполяция** дейилади) нима учун содир бўлди ҳамда уларнинг аслият билан муносабати қандай деган саволлар кун тартибига чиқиши лозим. Бу киритмаларни “илмга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва Навоий меросини қўпол бузишдан бошқа нарса эмас” дея баҳолаш етарли эмас. Чунки *маъно-мазмун билан алоқадор “парча” ортида ижодкор асарига муносабат, талқин ётади*. Уларни давр билан боғлиқ ҳолда ўрганиш эса бадиият намунасига бўлган муносабатни объектив баҳолаш имкониятини беради. Айни шу муносабатни (кенг маънода) **тарихий-функционал метод** тадқиқ қилади, бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Демак, танқидий матн тузишда матншунос котиб йўл қўйган имловий хатоларни аниқлаш, қайд этиш билан кифояланмай, муаллиф матнига киритилган киритмалар маъно-мазмун билан боғлиқ экан улар илмий жиҳатдан тушунтирилиши шарт.

Ўтган йигирманчи асрда матншунослик бўйича жиддий тадқиқот яратган таниқли рус олими Д.С.Лихачевнинг (1906-1999) фикрича, матншунос фақат танқидий матн тузиш билан чекланмай **матн тарихини** тадқиқ қилиши лозим.⁷ Унингча, аниқланган фактлар шунчаки қайд этилмай муайян давр билан боғлиқ ҳолда тушунтирилиши, юзага келиш сабаблари эса илмий изоҳланиши шарт. Гарчи тадқиқот рус мумтоз адабиёти асосида ёзилган бўлса-да унда матншуносликнинг қатор назарий муаммолари таҳлил этилиб, ечимлар кўрсатилиб берилган. Шу сабабли, матншуносликнинг назарий томонлари ҳақида сўз кетганда Д.Лихачевнинг монографиясига кўпроқ мурожаат

⁶ Алишер Навоий. Сабаи сайёр. Илмий-критик текст. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент. 1956. 7-бет

⁷ Лихачев Д.С. Текстология. На материале русской литературы X-XV вв. М., 1983. Ушбу монография қисқа давр ичида уч марта қайта нашр этилган ва бу унга бўлган илмий эҳтиёждан дарак беради.

қилинади, у кун тартибига қўйган бир қатор долзарб масалалар эътироф этилади. Масалан, навоийшунос А.Ҳайитметовнинг ўзбек матншунослиги олдида турган долзарб масалаларга доир **“Матншунослик муаммолари”** мақоласида рус олимнинг китоби тилга олинади: *“Текстология соҳасидаги бизнинг ҳозирги катта камчилигимиз классикларимиз асарларининг илмий-танқидий текстларини тузиш бўйича ишларнинг сусайиб бораётгани бу ишларга оид кадрлар ниҳоятда оз тайёрланаётганидир. Бу эса ўзбек текстология фанининг назарий проблемаларини ўрганишни, рус ва бошқа қардош республикаларда бу борада йиғилган тажрибаларни ўзбек текстологияси ривожига хизмат қилдиришни кечиктирмоқда. Машҳур рус совет текстолог олими, рус адабиёти тарихининг билимдони Д.С.Лихачёв 1962 йили ўзининг **“Текстология”** деб номланган монографиясини эълон қилди. Бу китобда муаллиф ўзининг X-XVII асрлар рус адабиёти текстлари устидаги ишларини чуқур илмий асосларда ёритади. Унинг тажрибаларининг кўп қисми ўзбек ва бошқа халқлар адабий меросини ўрганишга ҳам бемалол татбиқ этса бўлади”⁸. Бу ерда устоз навоийшунос юз бора ҳақ. Чунки ўрта асрлар адабиётида, хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос хусусиятлар бир қаторда қатор типологик нуқталар ҳам мавжуд ва айнан шу сабабли мазкур тадқиқотнинг **“кўп қисми ўзбек ва бошқа халқлар адабий меросини ўрганишга ҳам бемалол татбиқ этса бўлади”**.*

Юқорида биз матншунослик асосан амалий ишлар-танқидий матни нашрга ҳозирлаш билан банд бўлиб қолгани хусусида сўз юритдик. Кейинги йилларда (мустақилликдан сўнг) адабий меросга нисбатан қизиқишнинг кескин ортиши, аввал чоп қилинмаган адабий манбаларнинг нашр қилиниши ёхуд совет даврида тўлиқ нашр этилмаган асарларнинг тўлиқ нашр қилинишига қарамай кўплаб матний хатоларнинг учраши, хусусан, бу ҳолат Алишер Навоий асарлари матнида учраши матншунослик соҳасида қилинажак ишларнинг кўплигидан дарак беради.⁹ Бугина эмас, бажарилган ишларнинг танқидий таҳлил қилинмаслиги, мавзуга дахлдор мақолаларнинг аксариятида асосий эътибор матншунос йўл қўйган матний хатоларларга қаратилиши бу борадаги **мулоҳазалар амалий характерда эканлигини** яққол кўрсатади. Умуман олганда, ҳар бир фан соҳасида маълум даврда эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишларни танқидий таҳлил этиб, назарий умумлашмалар чиқариб, истиқбол белгиланади. Афсуски, нафақат матншунослик соҳасида, балки

⁸ Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари. Шарқ юлдузи. 1982.№3 171 б.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Раҳмон В. Мумтоз сўз сеҳри.Т., 2015. Муҳтарам матншунос Алишер Навоий асарларининг жорий нашрлари бўйича йўл қўйилган кўплаб матний хатоларни аниқлаб кўрсатган. Бундан ташқари, кўпол хатоларни юзага келиш сабаблари ҳақида батафсил тўхталган.

навоийшуносликка доир тадқиқотларда ҳам юқоридаги каби муаммоларга эътибор қаратилмаётир. Қолаверса, кейинги йилларда пайдар-пай чоп этилаётган матншуносликка доир аксар рисолаларнинг **таълимий** йўналишда, яъни *талабаларга қаратилганлигини* ҳам айтиб ўтмоқ жоиз.¹⁰ Бажарилган ишларни холис таҳлил этиб, назарий умумлашмалар чиқариш, янги билимлар захирасига таяниб иш кўриш эҳтиёжи ҳамон кун тартибда долзарб бўлиб турибди.

Хуллас, йиллар давомида йиғилган фактлар назарий жиҳатдан танқидий таҳлил этилмай, умумлашмалар чиқарилмай, босиб ўтилган йўл қайта идрок қилинмай олдинга силжиш бўлмайдди. Шу ўринда таниқли мантшунос-шарқшунос О.Ф.Акимушкиннинг (1929-2010) совет даврида чоп этилган Фирдавсий “Шоҳнома”си, Низомий “Хамса”си ҳамда Саъдий “Гулистони” нинг илмий-танқидий наشري юзасидан ҳамда Собиқ Иттифоқ даврида нашр этилган Шарқ адабиёти, тарихи, маданиятига оид манбаларнинг танқидий матнлари бўйича таҳлилий-танқидий руҳда ёзилган мақоласини эслаб ўтиш ўринлидир.¹¹ Дикқат қилсак, таниқли олим бежиз “*танқидий матн*” иборасини кўштирноқ ичига олмаган ва юқоридаги асарлар нашрида асосий дикқат эътибор механик равишда танқидий матн тузишга қаратилиб, аниқроғи бу мутлоқлаштирилиб **матн тарихи тушунчаси** эса умуман назардан соқит қилинганлигини ўринли таъқидлайди. Матншунос-шарқшунос бу йўналишдаги ишларнинг ютуқ ва камчиликларини вазмин, сокин танқидий руҳда таҳлил қилиб, академик Д.С.Лихачевнинг юқоридаги китобига таяниб қатор конструктив мулоҳазаларни илгари сурадики улардан хабардорлик матншунослигимиз ривожига хизмат қилади.

Булардан ташқари, мумтоз асарни замонавий ўқувчи-китобхон биринчи галда тушуна олиши зарур, асар яратилган давр билан бугунги кун орасидаги масофа эса ҳар қандай мумтоз бадиият намунасининг нашрини шарҳ, изоҳ ва очқич маълумотлар билан таъминлашни шарт қилиб қўяди. Айни шу муаммо ўтган асрнинг 70-80 йиллари устоз навоийшунослар А.Ҳайитметов ва С.Ғаниева томонидан кўтарилган эди.¹² Олима С.Ғаниева ўзбек маданияти тарихида ўзгача мавқе тутган улкан эпопея – “Хамса”нинг академик наشري билан боғлиқ қатор назарий фикрларни илгари сурадики, орадан анча вақт

¹⁰ Қаранг: Эркинов А. Матншуносликка кириш.Т.1997. Ҳасаний М. Шарқ кўлёмаларини тавсифлаш ва фикриш.Т.2004. Мадраимов А. Фузаилова Г. Манбашуносликка кириш. Т.2007. Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослигининг қирралари.Т.2013. Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари Т.2017.

¹¹ Акимушкин О.Ф. **Научное изучение текста памятника и “критический текст”** // Средневековый Иран. Культура. История. Филология. Санкт-Петербург 2004.161-181с..

¹² Бу ҳақда қаранг:Ҳайитметов А. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.1976.№1-сон.Ғаниева С. “Хамса”нинг мукамал нашрини тайёрлаш принциплар // Ўзбек тили ва адабиёти.1982.№1-сон.

ўтганига қарамай мазкур мулоҳазалар долзарблигини тўлиқ сақлаб қолган, жумладан, асарни комментарийлар билан чоп этиш юзасидан айтилган сўзларга диққат қилинг:

“Комментарийлар нашр қилинаётган асарнинг калитидир. Асарнинг шарҳловчиси **ҳозирги замон ўқувчисининг текст юзасидан бўладиган талаб ва эҳтиёжларини қондириши йўлида** асарнинг барча маънавий бойлиги, матн зимнидаги мантиқий ассоциация ёхуд муқояса, яширин ишора, истехзо ва маънавий нозикликларини, образлар ва санъаткорлардаги мураккабликларни очиб беришга интилиши лозим”.¹³ Бундан ташқари, навоийшунос комментарийларни учга бўлади: текстологик комментарийлар, тарихий-адабий комментарий, реал комментарийлар. Бироқ, афсуски, бу мулоҳазалар шоирнинг “Мукамал асарлар тўплами”да, кейинги йиллардаги нашрларда умуман инобатга олинмади. Ҳолбуки, устоз навоийшуносларнинг илмий тавсиялари буюк шоир асарларини имкон қадар замонавий ўқувчига тушунарли бўлишига, уни китобхонларга яқинлаштиришга қаратилган эди.

Бошқа тарафдан, “**адабий мерос ва бугунги кун**” масаласи нафақат ўзбек маданияти олдида турган адабий муаммо, балки бутун бани башар олдида турган долзарб муаммо саналади. Узоқ ўтмишда яратилган бадиият намунасини бугун шиддат билан ўзгараётган **ахборот асрида** замонавий китобхонларга қай йўсинда тақдим қилиш, у ёки бу адиб адабий меросининг қайси жиҳатлари бугунги китобхонларниқай жиҳатлари билан ҳаяжонга солади, қизиқтира олади, ўйга толдиради бу дунё адабиёт аҳли олдида турган муҳим адабий-илмий муаммодир. Чунки тарихий тараққиёт бардавом, ўзгаришлар муқаррар экан, ўтмиш меросга бўлган муносабат ҳам ўзгарувчандир ва бу ҳар гал янги даврда-формацияда янгитдан кун тартибига чиқади. Айни масалалар салафларимиз томонидан бир қадар ўрганилган, қатор қизиқарли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган ва биз ўрни билан уларнинг айримларига мурожаат қиламиз. Масалан, таниқли таржимашунос Юрий Левин (1920-2006) “**Нима бирламчи?**” номли мақоласида таржима жараёнида содир бўладиган қатор жиҳатларга атрофлича тўхталиб, адабий мерос ва уни ўзга тилга таржимаси билан боғлиқ ўринларга, жумладан, буюк инглиз драматурги В.Шекспир (1564-1616) ижоди бўйича эътиборга молик мулоҳазаларни билдирган: “Инглиз адабиётининг даҳоси ва фахри Шекспир ижоди эса бутунлай бошқа гап. Лекин шунда ҳам, инглизлар унга қанчалик сажда қилишмасин, ҳозирги даврда **анча эскириб қолган тилда ижод қилган Шекспир пьесаларини ўқишда улар жуда қийналиб қолганлар**. Ҳали асримизнинг бошларидаёқ немис олими Алоиз Брандель Шекспир асарларининг Шлегель ва Тик томонидан немисчага қилинган классик

¹³ Юқоридаги мақола 40 б.

таржималарини таҳлил қиларкан, таржимонлар инглиз драматурги яратган матнни немис китобхонларига яқинлаштирганлар, бунинг натижасида немислар “асл нусхага мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмаган лондонлик”ка нисбатан **Шекспирни яхшироқ тушунадиган бўлганлар**, деб қайд этган эди. Яқинда қиролликнинг Шекспир театри вакиллари билан қилган суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги вақтда улуғ драматург пьесаларининг инглизча постановкаларида тобора кўпроқ адаптация, яъни аслини олганда, таржима қўлланмоқда. Тўғри, ҳар қалай Шекспир инглизлар учун фавқулотда табаррук даҳо эмасми, таржимага авайлаб-асқатлаб мурожаат этилмоқда, лекин, барибир таржима қилишга киришилган”.¹⁴

Кўриниб турибдики, адабий меросни бугунги китобхон идрок этиши учун адаптация талаб қилинади. Бироқ бунда асарни “қулоғидан чўзиб” модернизация-замонийлаштириш асло мумкин эмас. Сабаби, ҳар қандай асар муайян даврнинг ҳосиласи, кўзга кўринарли ёхуд кўринмас иплар орқали маълум бир адабий муҳит билан боғланади, ўз замони муаммоларини бадий томондан гўзал шакл ва чуқур мазмун уйғунлигида акс эттиради. Буларни ҳисобга олмай асарни зўрма-зўраки бугуннинг адабий, маънавий-маърифий эҳтиёжларига бўйсундириш тарихий ҳақиқатга зиддир.

Айрим тадқиқотчилар шоир ижодини англашни, тушунишни “унинг Рух ва Ҳол оламига эркин кириб бора олишда”, “воқеликка Навоийнинг нигоҳи билан қарашда”, унга яқинлашишда деб биладилар. Биринчидан, ижодкорнинг англаш учун “воқеликка унинг нигоҳи билан қараш” мантиққа зид, қолаверса, тарих ғилдирагини ортга қайтариб бўлмайди. Аксинча, улуғ шоир меросини бугунги кун китобхонига яқинлаштириш замоннинг талабидир. Асрлар синовидан ўтган шоир асарлари бағрида битмас-туганмас маъно захиралари имконият тарзида мавжудки, тадқиқотчи уларни ахтариб топиб, қайтадан жон киргизиб замонаси адабий-маърифий, маънавий эҳтиёжлари билан боғлай олиши, яъни имкониятни воқеликка айлантира олиши керак. Мана шундагина буюк шоир асарларини **эстетик ҳаёти** барқарор ва бардавом бўлади. Мулоҳазаларимиз адабий мерос ва бугунги кун теварагида борар экан, ўтган йигирманчи асрнинг буюк файласуфи ва филологи Михаил Бахтиндан (1895-1975) қуйидаги кўчирмани келтиришни мақбул билдик: “ Муаллиф – ўз даврининг, ўз замонасининг асири. Кейинги даврлар уни мана шу асирликдан халос қилади ва адабиётшунослик бу озодликка чиқиш жараёнига кўмаклашишга даъват этилган”.¹⁵

¹⁴ Бу қаҳда қаранг: Левин Ю. Тошкент.1980.37-50 б.

Нима бирламчи? // Таржима санъати. Мақолалар тўплами 5-китоб.

¹⁵ Бахтин М. “Новый мир” редакцияси саволига жавоб.//Филология масалалари. 2003.№ 1 83-88 бетлар.Таржимон Мирзааҳмад Олимов.

Қисқаси, биз Алишер Навоий асарлари танқидий матни билан боғлиқ ҳамда тузилган матни бугунги кун ўқувчиларига қандай тақдим этиш юзасидан айрим муаммолар хусусида фикр билдирдик ва бажарилган ишларни эса ҳар қандай фан тарихида босиб ўтилажак бир босқич ҳисоблаймиз, айти пайтда вақти билан уларни назарий-танқидий идрок этиб, ютуқ ҳамда камчиликларини рўй-рост кўрсатиб, янги билимлар захирасига таяниб истиқболдаги ишларни белгилаш мумкин деб биламиз.